



РЕСПУБЛИКА КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИГА СТАРТ БЕРИЛДИ



Ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 14-декабрдаги “2020–2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қумқўрғон туман шаҳар Маданият уйи ИИ-Республика "Китобхонлик ҳафталиги" тадбирининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни туман ҳокими ўринбосари Н.Алланазаров очиб берди. Туман Маънавият ва маърифат бўлинмаси раҳбари Ш.Мамадиев, туман Маданият бўлими раҳбар

Ўринбосари А.Тўхтаев, туман 11-сон Болалар мусиқа ва санъат мактаби ходимлари, ўқувчи ёшлари, аҳоли вакиллари ва китобсевар ёшлар иштирок этишди. Туман ҳокимлиги томонидан китоблар топширилди. Шундан сўнг тадбирнинг бадий қисмига ўтилди.